

---

## **“Ўқчи” ва “Яккатут” маҳаллаларида дезинфекция ишлари олиб борилди**

Коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон туманидаги бир қатор умумий фойдаланиладиган обьектлар, маҳалла кўчалари ва кўп қаватли уйларнинг кириш қисмларида кенг кўламли дезинфекция ишлари олиб борилмоқда.

Хусусан, бугун туман фавқулодда вазиятлар бўлими, “Агрокимёҳимоя” АЖ туман филиали ҳамда Фарғона йўллардан фойдаланиш унитар корхонасига қарашли махсус техникалар ёрдамида “Ўқчи” ва “Яккатут” маҳаллаларида дезинфекция ишлари олиб борилди.

Бу каби профилактик тадбирлар туманнинг барча ҳудудларида ўтказиб борилмоқда.

### **Азиз тумандошлар!**

Кўринмас балога қарши курашиш йўлида карантин ва санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя этиб, ўзингиз ва яқинларингизни кўринмас балодан эҳтиёт қилинг.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**











2020-07-14 17:35:09